

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ, ШУНИНГДЕК АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 18 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2017 йил 24 августда маъқулланган

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги 1062-ХП-сонли [Қонунига](#) (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 397-П-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 158-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 355-модда; 2011 йил, №12/2, 364-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 7-модданинг [олтинчи қисми](#) қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳар қандай соҳада:

маҳсулотга (хусусан, қурилма, модда, микроорганизм штамми, ўсимликлар ёки хайвонлар хужайраларининг турларига);

усулга (моддий воситалар ёрдамида моддий объект устида хатти-ҳаракатларни амалга ошириш жараёнига) тааллуқли бўлган техник ечим фойдали модель сифатида эътироф этилади»;

2) 10-модданинг [учинчи](#) ва [тўртинчи қисмлари](#) қуйидаги мазмундаги учинчи — еттинчи қисмлар билан алмаштирилсин:

«Агар иш берувчи билан муаллиф (ҳаммуаллифлар) ўртасидаги шартномада ушбу модданинг иккинчи қисмидаги қоидалар назарда тутилган бўлмаса, у ҳолда муаллиф (ҳаммуаллифлар) талабнома топшириш ва саноат мулки объектининг патентини ўз номига олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар иш берувчи билан муаллиф (ҳаммуаллифлар) ўртасидаги шартномада ушбу модда иккинчи қисмининг қоидалари назарда тутилган бўлса ва иш берувчи яратилган саноат мулки объекти тўғрисида муаллиф (ҳаммуаллифлар) томонидан ёзма равишда хабардор қилинган кундан эътиборан тўрт ой ичида Агентликка патент бериш ҳақидаги талабномани топширмаса, патент бериш ҳақидаги талабномани топшириш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечмаса ва тегишли объектни сир сақлаш тўғрисида муаллифга (ҳаммуаллифларга) маълум қилмаса, у ҳолда муаллиф (ҳаммуаллифлар) талабнома топшириш ва ўз номига патент олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мазкур модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган ҳолларда иш берувчи патент эгасига шартномада белгиланадиган миқдорда товон тўлаб, ўз ишлаб чиқаришида тегишли саноат мулки объектдан фойдаланишда устувор ҳуқуққа эга бўлади.

Иш берувчи саноат мулки объектини сир сақлаган тақдирда муаллифга (ҳаммуаллифларга) мутаносиб равишда ҳақ тўлаши шарт, ҳақ миқдори шартномада белгиланади.

Патент эгаси бўлмаган, ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчидан олган аниқ топшириқни бажариш муносабати билан яратилган саноат мулки объектининг муаллифи (ҳаммуаллифлари) тегишли саноат мулки объектдан фойдаланилганлиги ёхуд унга оид лицензия сотилганлиги учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Саноат мулки объектдан фойдаланилганлик ёки унга оид лицензияни сотганлик учун тушаётган маблағлар ҳисобидан муаллифга (ҳаммуаллифларга) тўланадиган ҳақнинг миқдори, уни тўлаш шартлари ва тартиби муаллиф (ҳаммуаллифлар) ҳамда иш берувчи ўртасидаги шартномада белгиланади»;

3) 27-модданинг [биринчи қисми](#) қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«патентда патент эгаси сифатида кўрсатилган шахснинг патент олиш учун қонуний асосга эга эмаслиги».

31-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги 270-И-сонли [Қонунига](#) (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 395-И-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 156-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 12/2, 364-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 7-модданинг [иккинчи қисми](#) қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар иш берувчи яратилган селекция ютуғи тўғрисида муаллиф (хаммуаллифлар) томонидан ёзма равишда хабардор қилинган санадан эътиборан тўрт ой ичида Агентликка патент бериш ҳақидаги талабномани топширмаса, патент бериш ҳақидаги талабномани топшириш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечмаса ва селекция ютуғини сир сақлаш тўғрисида муаллифга (хаммуаллифларга) маълум қилмаса, у ҳолда муаллиф (хаммуаллифлар) талабнома топшириш ва ўз номига патент олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай ҳолда, иш берувчи патент эгасига шартномада белгиланадиган миқдорда товон тўлаб, ўз ишлаб чиқаришида селекция ютуғидан фойдаланишда устувор ҳуқуққа эга бўлади»;

2) [17-модданинг](#):

[тўртинчи қисми](#) чиқариб ташлансин;

[бешинчи](#) ва [олтинчи қисмлари](#) тегишинча тўртинчи ва бешинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

3) 18-модданинг [бешинчи қисми](#) қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган муддатларга риоя этмаслик талаб қилинаётган устуворликнинг эътироф этилмаслигига сабаб бўлади»;

4) [20-модда](#):

[биринчи қисми](#) қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Талабноманинг расмий экспертизаси талабнома топширилган санадан эътиборан икки ой ўтгач ўтказилади. Талабнома берувчининг илтимосномасига биноан расмий экспертиза кўрсатилган муддат тугашидан олдин бошланиши мумкин. Экспертиза мобайнида устуворлик санаси белгиланади, зарур ҳужжатларнинг қўйилаётган талабларга қанчалик мослиги текширилади»;

қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Агар талабноманинг расмий экспертизаси жараёнида талабнома қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни бузган ҳолда расмийлаштирилганлиги аниқланса, талабнома берувчига тегишли билдиришнома юборилган санадан эътиборан уч ой муддат ичида етишмаётган ёки тузатишларни тақдим этиш зарурлиги тўғрисида билдиришнома юборилади»;

[учинчи — саккизинчи қисмлари](#) тегишинча тўртинчи —тўққизинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

[тўртинчи қисми](#) қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар зарур қўшимчалар, аниқликлар ёки тузатишлар белгиланган муддатда киритилмаган, патент бериш ҳақидаги талабнома тушган санада ундаги етишмаётган ҳужжатлар тақдим этилмаган ёки ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган муддатни узайтириш тўғрисидаги илтимоснома топширилмаган бўлса, у ҳолда талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади»;

5) [27-модданинг](#):

[иккинчи](#) ва [учинчи қисмлари](#) чиқариб ташлансин;

тўртинчи — саккизинчи қисмлари тегишинча иккинчи — олтинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агентлик патент беришни селекция ютуғи рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган санадан эътиборан ўн иш куни ўтгач амалга оширади»;

б) 34-модданинг:

биринчи қисми учинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«патент талабнома берувчи тақдим этган селекция ютуғининг турдошлик ва барқарорлик мезонларига мослиги тўғрисидаги тасдиқланмаган маълумотларга асосан берилган бўлса;

патентда патент эгаси сифатида кўрсатилган шахс патент олиш учун қонуний асосга эга бўлмаган бўлса, патентга нисбатан эътироз билдирилиши ва у ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши мумкин»;

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Апелляция кенгаши, агар селекция ютуғини қўшимча равишда синовдан ўтказиш зарурати юзага келмаса, тегишли ихтисослаштирилган ташкилотнинг вакиллари иштирокида апелляцияларни олти ой ичида кўриб чиқади ва улар бўйича қарор қабул қилади»;

7) V бўлим қуйидаги мазмундаги 37¹-модда билан тўлдирилсин:

«37¹-модда. Селекция ютуғи патентининг амал қилишини тиклаш

Патентнинг амал қилишини сақлаб турганлик учун патент божлари белгиланган муддатда тўланмаганлиги сабабли амал қилиши тугатилган селекция ютуғи патентининг амал қилиши патент эгасининг илтимосномасига кўра тикланиши мумкин.

Бундай илтимоснома патентнинг амал қилиши тугатилган санадан эътиборан уч йил ичида, бироқ патентнинг ушбу Қонунда назарда тутилган амал қилиш муддати тугагунига қадар Агентликка топширилиши мумкин.

Патент эгасининг илтимосномасига патентнинг амал қилишини тиклаш учун белгиланган миқдордаги патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши керак.

Селекция ютуғи патентининг амал қилиши тикланганлиги тўғрисидаги маълумотлар Агентликнинг расмий ахборотномасида эълон қилинади.

Селекция ютуғи патентининг амал қилиш муддати тугатилган сана билан патентнинг амал қилиши тикланганлиги тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган сана оралиғидаги даврда селекция ютуғидан фойдаланишни бошлаган ёки бунинг учун зарур тайёргарлик кўрган шахс ундан келгусида бепул фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади».

51-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги 267–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 178-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 418-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2017 йил, № 4, 138-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 15-модданинг биринчи қисми «етти ой ичида» деган сўзлардан кейин «бирок камида олти ойдан кейин» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) 18-модданинг биринчи қисмидаги «кун» деган сўз «иш куни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 20-модданинг учинчи қисмидаги «кун» деган сўз «иш куни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 32²-модданинг тўртинчи қисмидаги «кун» деган сўз «иш куни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

81-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;
ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда аҳоли ўртасида
моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминласин.

82-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.